



ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

PhD Абдуллаева Севарахон Хасановна

Фарғона политехника институти

ORCID: 0000-0002-8596-2473

Аннотация. Мақолада иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан ушбу кўрсаткични аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган ёндашувлар ўрганилган. Шунингдек, тадқиқ этилган маълумотлар асосида sanoat корхоналарида иқтисодий барқарорликни баҳолаш тизими таклиф этилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорлик, молиявий таҳлил, мутлақ барқарорлик, ишбилармонлик даражаси барқарорлиги.

ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СИСТЕМЫ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ ЭКОНОМИЧЕСКУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ

PhD Абдуллаева Севарахон Хасановна,

Ферганский политехнический институт

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы обеспечения экономической стабильности, а также подходы, разработанные экономистами для определения этого показателя. На основе изученных данных также была предложена система оценки экономической стабильности промышленных предприятий.

Ключевые слова: экономический рост, экономическая стабильность, финансовый анализ, абсолютная стабильность.

ISSUES OF DEFINING A SYSTEM OF INDICATORS CHARACTERIZING ECONOMIC STABILITY

PhD Abdullayeva Sevarakhon Khasanovna,

Fergana Polytechnic Institute

Abstract. The article discusses the issues of ensuring economic stability, as well as the approaches developed by economists to determine this indicator. Based on the studied data, a system for assessing the economic stability of industrial enterprises has been proposed.

Key words: economic growth, economic stability, financial analysis, absolute stability.

Кириш.

Бугунги кунда барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб масалалардан бири бу иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётнинг узоқ муддат давомида юқори ўсиш суръатлар билан ўсиши барқарор иқтисодий ривожланишни ифодалайди. Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида аҳоли турмуш фаровонлиги, турмуш тарзи ва яшаш сифати оширилади, шу билан бирга корхона ва ташкилотлар томонидан ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришилади.

Шунингдек, иқтисодий барқарорликни таъминлашдан кўзланган асосий мақсад барча фаолият соҳаларида юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларга эришишни таъминлаш билан бирга мамлакатнинг хом-ашё базасини ҳимоя қилиш ҳамда яшил иқтисодиётга ўтиш асосида атроф-муҳитни сақлаб қолишдан иборатдир. Иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги мамлакат иқтисодиётининг шундай ҳолатини ифодалайдики, унга кўра ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар якуний параметрларининг ривожланиши таъминланади.

Умумий ҳолда, иқтисодий барқарорлик тушунчасини қуйидаги икки ёндашув асосида ифодалаш мумкин:

- Маълум бир якуний иқтисодий кўрсаткичлар учун белгиланган ўсиш мезонларини таъминлаш.
- Иқтисодий ўсишнинг ортиб боровчи, маржинал кўрсаткичлари барқарорлигини сақлаш, масалан, йиллик ЯИМ ўсишининг маълум бир суръатини сақлаб туриш ёки инфляцияни белгиланган чегараларда сақлаш.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши саноат тармоқларини жадал ривожланиши, корхоналар иқтисодий барқарорлик даражасига ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг пировард натижаларига бевосита боғлиқ. Мамлакатда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш эса корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уни ошириш ҳамда баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи.

Маълумки, иқтисодий барқарорлик кўрсаткичини баҳолашнинг умумий қабул қилинган ягона мезони мавжуд эмас. Ушбу кўрсаткични аниқлаш бўйича иқтисодчи олимларнинг турли хил ўзига хос ёндашувлари улар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида ифодаланган. Хусусан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини динамик меъёр асосида ҳисоблаш ҳамда баҳолаш Сыроежин, Захарченко, Погостинская, Савинская (1993) каби иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини молиявий кўрсаткичлар асосида аниқлаш таклифи иқтисодчи олимлар Пардаев ва Исроиловлар (1999) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

- ўз маблағлар (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- четдан жалб этилган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхоналар иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодчи олим, профессор Акрамов (2003) молиявий мустаҳкамлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичларини тавсия этган ва унга таъсир этувчи омилларни асослаб берган. Шунингдек, у молиявий барқарорлик тоифаси корхонанинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туриши ва пасаймаслигини ифодаловчи кўрсаткич эканлигини таъкидлайди.

Шунингдек, Е.С.Стоянованинг фикрига кўра ликвидлик, фаол ишбилармонлик, ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя таркиби ва операцион таҳлил асосидаги коэффициентлар иқтисодий барқарорликнинг энг муҳим коэффициентлари ҳисобланади (Сыроежин, 1980).

Юқорида иқтисодий барқарорликни баҳолаш бўйича келтирилган талқинлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ушбу кўрсаткични илмий асослаш ва уни ҳисоблаш учун зарур бўлган кўрсаткичларни таснифлаш учун асосан корхоналарнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизмидан фойдаланиш талаб этилади. Баҳолаш

жараёнларини амалга ошириш жараёнида эса ўрганилаётган объект (соҳа ва тармоқ)нинг ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидадан фойдаланилган

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш учун энг асосий вазифалардан бири хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун мавжуд янги имкониятларни белгилаб берувчи ўсиш нуқталарини ва стратегик устунликларни шакллантириш ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда корхоналарини ривожлантириш ва хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари доирасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал таъсирларни баҳолашда бир қатор иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги баён этилган.

Шунга кўра биз томондан амалга оширилган тадқиқотлар иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларининг таркибини аниқлаш ва уларни гуруҳлаш бўйича иккита асосий ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Биринчиси – барқарорлик турлари бўйича, иккинчиси эса фаолият юритиш соҳалари бўйича (Абдуллаева, 2021). Ушбу иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларининг ва турларининг ўзига хос хусусиятларига кўра гуруҳлашга йўналтирилган асосий ёндашувларни аниқлашга қаратилган тадқиқот натижалари қуйидагича изоҳланади:

Иқтисодчи олимлар томонидан корхоналарнинг ишлаб чиқариш босқичларини эътиборга олган ҳолда иқтисодий барқарорликни қуйидаги турларга ажратиш таклиф этилган (Богданов, 2003):

Техник – технологик даражасига кўра барқарорлик. Ушбу барқарорлик даражаси техник-технологик даражани ифодаловчи коэффицентни ($K_{т.т.д.}$) ҳисоблаш орқали ифодаланади. Ўз навбатида бу кўрсаткич яроқлилик коэффицентини ($K_{я}$) ва янгилиниш коэффицентлари ($K_{я}$) йиғиндисини аниқлаш билан ҳисобланади.

Техник-технологик даража коэффицентини корхона асосий фондларининг техник ҳолатини ва техник қайта жиҳозлаш жадаллигини баҳолаш имкониятини шакллантиради. Лекин, мазкур коэффицент асосий фондларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун қўллашга мўлжалланган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган технологиянинг рақобатбардошлигини баҳолаш имконини бермайди.

Кадрлар таркиби барқарорлиги. Кадрларнинг турғунлик коэффицентини ($K_{т}$) аниқлаш асосида кадрлар таркиби барқарорлик кўрсаткичи аниқланилиб, бунинг асосида меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат қилиш учун яратилган шарт-шароитлардан қониқиш даражасига баҳо берилади. Аммо, фикримизча, ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш ходимлар малакасининг сифатига, ушбу турдаги ресурс учун хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигига баҳо бериш имкониятини бермайди.

Ишбилармонлик даражасининг барқарорлиги бозор улушидаги ўзгариш, буюртмалар билан таъминланганлик ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражалари кабилар билан ифодаланади. Ушбу кўрсаткичлар тизимининг айнан бир соҳа хўжалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланмаганлиги ҳар қандай соҳа учун фойдалани имконини берган ҳолда, фаолиятнинг ишбилармонлик ҳолатини турли томондан, яъни товарлар бозорида ҳаракатланиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни реализация қилиш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлай олиш қобилиятининг корхонада мавжудлигини аниқлаш учун шароит яратади.

Рентабеллик даражасининг барқарорлиги (Р_д). Ушбу барқарорлик даражаси биринчидан, барча хўжалик фаолиятининг натижавийлигини баҳолаш, корхонада ишлаб чиқариш жараёнини турғун ошириб бориш имкониятининг мавжудлигини аниқлаш учун фойдаланилса, иккинчидан эса, кенгайтирилган ишлаб чиқариш учун захирани ташкил этиш шарт-шароитларининг мавжудлигини баҳолашда қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий барқарорлик ҳолатини баҳолаш усулларини таҳлил этиш асосида барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларни гуруҳлаш бўйича умум қабул қилинган ёндашув мавжуд эмаслиги аниқланди.

Фикримизча, замонавий шароитларда корхонанинг иқтисодий барқарорлигини аниқлашда молиявий таҳлилга, молиявий таҳлил натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларга алоҳида урғу бериш зарур. Чунки ҳар қандай инвестор корхонанинг молиявий ҳолатини ўргангандан сўнггина аниқ қарор қабул қилади. Шунинг учун фикримизча, иқтисодий барқарорликни баҳолашда молиявий таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий таҳлил – бу корхонанинг бухгалтерия ҳисоботларига асосланиб унинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва прогноз (башорат) қилиш усули ҳамда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозордаги қийматини янада ошириш мақсадида унинг молиявий ҳолатини ва ушбу фаолият натижаларини тадқиқ этиш жараёни бўлиб ҳисобланади. Молиявий таҳлил маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш, жамғариш ва молиявий хулқдаги маълумотни ишлатиш усули сифатида эътироф этилиши мумкин (Davlyatova, Abdullaeva, 2019).

Корхонанинг иқтисодий барқарорлигини баҳолашда ишончилилик, етарлилик, самарадорлик, устуворлик, ресурс хавфсизлиги каби тамойилларга асосланиш лозим.

Иқтисодий барқарорликни молиявий таҳлил асосида ўрганишда қуйидаги асосий тўрт турни фарқлаш зарур:

1. Молиявий ҳолатнинг мутлақ барқарорлиги ўз айланма маблағлари, қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари миқдори захираларга бўлган эҳтиёждан ортиқ бўлганда кузатилади ҳамда қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$ЭЗ < Ма + КқҚ$$

Бу ерда, ЭЗ – захирага бўлган эҳтиёж,

Ма – ўз айланма маблағлари,

К – ққ – қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари.

Шу билан бирга, қуйидаги формулада ифодаланган шарт захираларни маблағлар манбалари билан таъминланиш коэффиценти учун бажарилиши лозим:

$$К_о = (Ма + КқҚ) / ЭЗ > 1$$

Бу ерда, К_о - захираларни маблағлар манбалари билан таъминланиш коэффиценти.

2. Оддий барқарорлик, унинг қиймати корхонанинг тўловлилик қобилиятини кафолатлайди. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқланиш тавсия этилади:

$$ЭЗ = Ма + КқҚ, \text{ бунда } К_о = (Ма + КқҚ) / ЭЗ = 1$$

Захиралар миқдори қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни қоплаш ҳамда ўз айланма маблағларига эга бўлиш имконини беради.

3. Беқарор молиявий ҳолат, бунда корхонанинг тўлов баланси бузилади, аммо корхонанинг қимматли қоғозларини фонд бозорларига жойлаштириш асосида шаклландиган маблағларни ташкилот фаолиятига жалб этиш орқали тўлов манбалари ва тўлов мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро тенгликни тиклаш имконияти сақланади. Беқарор молиявий ҳолатни қуйидаги тартибда аниқлаш мумкин:

$$ЭЗ = Ма + КқҚ + Мв.б, \text{ бунда } К_б = (Ма + КқҚ + Мв.б) / ЭЗ = 1$$

Бу ерда, Мв.б – жалб қилинадиган маблағлар манбалари

4. Жорий тўлов қобилияти бирдан паст бўлган инқирозли молиявий ҳолат, яъни ушбу ҳолатга кўра пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва дебиторлик қарзлари корхонанинг кредиторлик қарзларини ҳамда муддати ўтган қарз маблағларини қопламайди. Ушбу ҳолатни қуйида ифодаланган формула асосида аниқлаш тавсия этилади.

$$ЭЗ > Ма + КқҚ + Мв.б, \text{ бунда } Ки = (Ма + КқҚ + Мв.б) / ЭЗ < 1$$

Бундай вазиятда тўлов балансининг мувозанати иш ҳақи, банк кредитлари ва қарз маблағлари, таъминотчилар, солиқ ва йиғимлар бўйича муддати ўтган тўловлар билан таъминланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими турли туман бўлиб, уларнинг ҳар бири маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-техник ва молиявий ҳолатларни эътиборга олган ҳолда корхонанинг хўжалик юритиш фаолиятига атрофлича баҳо бериш имкониятини шакллантиради. Ушбу кўрсаткичларнинг катталиги ёки ҳолати корхонанинг иш фаоллиги ва рентабеллик даражаси ҳақида хулосани беради. Лекин бизнинг фикримизча, замонавий шароитларда корхона иқтисодий барқарорлиги молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан баҳоланиши унинг салоҳиятини аниқ тасаввур қилиш имкониятини беради. Чунончи, ҳар қандай корхонанинг ташкилий-техник шароитларини етарли таъминланиши молиявий ресурслардан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdullaeva, S.KH. *Issues of Ensuring Economic Stability in the Textile Industries. JournalNX*, volume 6, issue 12 <https://media.neliti.com/media/publications/335549-issues-of-ensuring-economic-stability-in-de5aaaf9.pdf>

Davlyatova, G.M., Abdullaeva, S.H. (2019). *Systemic principles and regularities of commercial enterprise as a socio-economic system. Journal of Economy and Business.*, (6-1). p.95. Doi:10.24411/2411-0450-2019-10827. <https://cyberleninka.ru/article/n/18235040>

Абдуллаева, С. (2021). Тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, (1), 11–15. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss1/a57

Акрамов Э.А. (2003) *Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили*. - Т.: Молия, - Б. 64-85.

Богданов А.А. (2003) *Текстология. Всеобщая организационная наука*. - М: Финансы.

Захарченко Н.Н. (1993) *Экономические измерения: теория и методы / Н.Н. Захарченко*. - Изд-во СПб ун-та экономики и финансов, - 157 с.

Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. (1999) *Молиявий таҳлил: (Услугий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми)*. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, - Б. 197.

Погостинская Н.Н., Погостинский Р.Л., Жамбекова Р.Л. [и др.]. *Экономическая диагностика: теория и методы*. - Нальчик: Эльбрус, 2000. - 319 с.

Романчин В.И., Скоблякова И.В., Смирнов В.Т. (2002) *Венчурный капитал в стратегии антикризисного управления. Монография*. - Орел: ОрелГТУ, - 230 с.

Савинская Н.А., Багиева М.Н. *Риски и устойчивость предприятия*. - СПб.: Издательство СПбГУЭФ, 1999. -104 с.

Сыроежин И.М. (1980) *Совершенствование системы показателей эффективности и качества / И.М. Сыроежин*. - М.: Экономика, - 191 с.